СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVI СЪЕЗДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 48 (4446)
2 МАРТ 1981 й
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИДА

СЪЕЗДОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИ ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва Тошкент область касаба союзлари Совети КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун саноат, қурилиш, алоқа, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари коллективлари ўртасидаги область социалистик мусобақаси якунлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва Тошкент область касаба союзлари Совети шуни мамнуният билан таъкидлайдики, КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорини ҳамда ВЦСПСнинг X пленуми қарорларини ўзларига дастуруламал қилиб олган партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари область меҳнаткашларини 1980 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик планларини муваффақиятли адо этиш учун сафарбар этиш борасида катта ташкилотчилик ишларини амалга оширдилар.

Корхоналар ва ташкилотлар коллективлари КПСС XXVI съездн ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олишга интилиб, юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги руҳида 1980 йил ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирдилар ва съездолди меҳнат вахтасида фидокорона меҳнат қилдилар. Натижада беш йиллик пландан ташқари 657 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди, 6728 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Ўнинчи беш йиллик топшириқларини 235 корхона, 2360 цех, 6015 бригада, участка, смена, 400 мингга яқин ишчи муддатидан илгари бажаришга эришди.

Область корхоналарида «КПСС XXVI съездига — 26 зарбдор ўн кунлик» шиори остидаги мусобақа кенг оммалашди, беллашув мобайнида ҳар бир ўн кунлик якуни бўйича ғолиблар аниқланиб борилди.

Партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, 286 мингдан зиёд ишчи, 5290 бригада, участка ва смена партия XXVI съезди очилишига қадар икки ойлик ва биринчи квартал планларини бажариш мажбуриятини олиб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида ишнинг жадал суръатини таъминлашга бел боғлади.

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган область корхоналари ва ташкилотлари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиққан Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва Тошкент область касаба союзлари Совети қарор қилади: Ленин, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. Е. Ворошилов номли қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи, Тошкентдаги 4-дон маҳсулотлари комбинати, «Ўзэлектромонтаж», «Сельтрансспецстрой» трестлари, «Главташкентстрой»нинг «Ҳурмат Белгиси» орденли Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати, Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигининг Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш трести, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг «Гордорстройремонт» трести, Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биоорганик химия институти, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг «Узавторемонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти, Ленин ва «Халқлар дўстлиги» орденли пахтачилик бўйича Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг «Ўзбекгидрогеология» гидрогеологик ишлаб чиқариш бирлашмаси, СССР энергетика ва электрлаштириш Министрлигининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ўзбекгидроэнергострой» қурилиш-монтаж трести, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Тошкент чинни заводи, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ядро физикаси институти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, СССР темир йўл министрлиги метрополитен Бош бошқармасининг В. И. Ленин номли Тошкент метрополитени, «Ўзбекзолото» олтин қазиб олиш ишлаб чиқариш бирлашмаси, СССР транспорт қурилиши министрлигининг «Ташметрострой» трести коллективлари ғолиб деб топилсин ва Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ҳамда Тошкент область касаба союзлари Советининг «Съездолди меҳнат вахтаси ғолиби» дипломлари билан мукофотлансин.

Шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия, касаба союз, комсомол ташкилотларига съездолди меҳнат вахтаси ғолибларининг тажрибасини кенг пропаганда қилиш, 1981 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашда меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлигини кенг қулоч ёйиш тавсия этилади.

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС XXVI съездининг 27 февраль кечқурунги мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ раислик қилди.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» тўғрисидаги докладни муҳокама қилиш давом этди. Музокараларда Калинин трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Л. И. ТИХОМИРОВА, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. А. АШИМОВ, Оренбург область Сорочинск район партия комитетининг биринчи секретари А. П. ОСОКИНА, ВЦСПС Раиси А. И. ШИБАЕВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Съезд «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасига киритиладиган тузатишлар ва қўшимчаларни кўриб чиқиш ва шу масалага доир қарор лойиҳасини тайёрлаш учун комиссия сайлади.

Совет ёшларининг намояндалари ва ёш ленинчилар делегатлар ва меҳмонларнинг қарсаклари остида залга кириб келадилар. Фанфарлар янграйди. Комсомоллар ва пионерлар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездини самимий табрикладилар ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга Ленин комсомолининг рапортини топширдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ХАРИЛАОС ФЛОРАКИС, Сурия араб социалистик Уйғониш партияси Бош секретарининг ўринбосари АБДАЛЛА АЛ АХМАР, Финляндия Коммунистик партияси Марказий Комитети Доимий сиёсий комитетининг аъзоси, Марказий Комитет секретари МАРСЕЛИНУ ДУШ САНТУШ ўртоқлар съездни табрикладилар.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди 28 февраль куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. В. РОМАНОВ раислик қилди.

СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихоновнинг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» тўғрисидаги докладини муҳокама қилиш давом эттирилди. Музокараларда КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари В. К. ГУСЕВ, СССР Газ саноати министри С. А. ОРУДЖЕВ, Белгород областидаги Ракитное райони касалхонасининг врачи Л. И. ДЬЯЧКОВА, СССР Қишлоқ хўжалик министри В. К. МЕСЯЦ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Жазоир Миллий озодлик фронти партияси Сиёсий бюросининг аъзоси МУҲАММАД САИД МАЗУЗИ, Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари РОДНЕЙ АРИСМЕНДИ, Буюк Британия Коммунистик партиясининг Бош секретари ГОРДОН МАКЛЕННАН, Кампучия Халқ Республикаси Халқ революцион кенгаши Раисининг ўринбосари ПЕН СОВАН, Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ХОЛИД БАҒДОШ, Никарагуа сандиночилар миллий озодлик фронти миллий раҳбарлик органининг аъзоси, Никарагуа Республикаси Давлат кенгашининг раиси КАРЛОС НУНЬЕС ТЕЛЬЕС ўртоқлар съездни табриклаб нутқ сўзладилар. Делегатлар билан меҳмонлар уларни самимий кутиб олдилар.

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ—ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЖОНАЖОН ПАРТИЯМИЗ СЪЕЗДИНИНГ ТАРИХИЙ ИШ КУНЛАРИНИ ЮКСАК СИЁСИЙ АКТИВЛИК, ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН НИШОНЛАМОҚДАЛАР.

КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН

КПСС XXVI съездининг очилишини ёруғ юз билан кутиб олган заводимиз меҳнаткашлари съезд ишини зўр қизиқиш билан кузатмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳисобот докладини ҳамда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихоновнинг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 — 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида»ги докладини атрофлича ўрганмоқдалар. Бу тарихий ҳужжатларда Совет давлатининг келгуси ўн йил мобайнидаги ривожланиш истиқболлари белгилаб берилган.

Партия анжумани шарафига ўтказилган «КПСС XXVI съездига — 26 зарбдор ҳафта»ликларнинг ҳар бирини зарбдорона якунладик. Айниқса, бунда заводнинг Лидия Васильевна Вдовина бошчилик қилаётган таблетка доирлари цехи коллективи пешқадамлик қилиб, ажойиб меҳнат зафарига эришди. Таблеткачилар съезд очиладиган кунгача 80 минг дона таблетка ишлаб чиқардилар ва зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Бунда цехнинг Ш. Шерматова, М. Ҳакимова, Ф. Назарова, М. Мадраҳимова, М. Собирова каби комсомол-ёшларнинг ҳиссаси катта бўлди.

А. ХОЛМАТОВ,
Тошкент химия фармацевтика заводи ишчиси.

АМАЛИЙ ЖАВОБ

Ўз ишини давом эттираётган шонли партиямиз XXVI съезди материалларини бутун корхонамиз коллективи зўр қизиқиш билан кузатиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихонов докладлари ҳар бир коммунистни, коллективнинг ҳар бир аъзосини янада янги марраларни эгаллашга, ишда ташаббускорлик кўрсатишга ундамоқда.

Мамлакатимиз коммунистларининг анжумани СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981-1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб бермоқда. Бу эса коммунистлардан ҳамиша олдинги сафда бўлиш, ҳар соҳада бошқаларга намуна кўрсатиш, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ ва самаралироқ ишлашни талаб этади.

Корхонамизда съездга бағишлаб ўтказилган митингда коммунистлардан Ориф Муҳаммаджонов, Валентина Ситникова ва бошқалар съезд кунлари ўз ишлаб чиқариш нормаларини бир ярим ҳиссадан ошириб адо этиш мажбуриятини олдилар. Г. Зверова бригадаси, А. Кузнецов, Г. Борковский участкалари съезд шарафига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этиб, шу кунларда вақтдан ўзиб ишламоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, корхонамиз коммунистлари, юзлаб ишчилари партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари фаровонлигини янада ошириш тўғрисидаги ғамхўрликларига амалий иш билан жавоб беришга интилмоқдалар.

М. РАСУЛОВ,
В. И. Ленин номли электрон-техника заводи партия комитетининг секретари.

ПАРТИЯ ЕТАКЧИЛИГИДА ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

27 ФЕВРАЛЬ КЕЧҚУРУНГИ МАЖЛИС

Кечқурунги мажлисда раислик қилувчи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **М. С. Горбачев** Калинин ишлаб чиқариш трикотаж бирлашмасининг директори ўртоқ **Л. И. Тихомирова**га сўз беради. У хўжалик механизмини ва ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш замирида тармоқни янада ривожлантиришнинг катта резервлари яширинib ётганлигини ўз корхонаси мисолида кўрсатиб ўтди. Бирлашманинг ташкил этилиши мутахассисларнинг кучларини жамлаш, ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фабрикаларни ихтисослаштириш ва техника билан қайта қуроллантириш имкониини берди. Бу эса ишловчиларни камайтириб, маҳсулот ҳажмини икки баравардан зиёд кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини анча ошириш йўлини очди. Коллектив эришган муваффақиятларда бирлашма коммунистларининг хизмати катталиг.

Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Б. А. Ашимов** республикани ривожлантириш режаларини таърифлаб, бундай деди: саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 22—25 процент кўпайтириш кўзда тутилади. Ёқилғи-иқтисодий базани мустаҳкамлашда қора, рангли металлургияни, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини, химия ва нефть химиясини, енгил, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда Қозоғистоннинг роли янада кўпроқ ортади. Республика аввалгидек Совет Иттифоқининг катта дон ва чорвачилик базаси бўлиб қолаверади.

Делегат резервлардан янада самарали фойдаланиш масалаларига тўхталиб, ғарбий Қозоғистон районларида нефть ва газ қидириш учун геология разведка қилишни кенгайтириш, фойдали қазилмалардан комплекс фойдаланишга эътиборни кучайтириш зарурлигини айтди.

Район партия комитети, деб таъкидлади Оренбург область Сорочинск район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **А. П. Осокина**, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг яхши тажрибаси, меҳнатнинг илғор методлари ҳамма хўжаликларда фаол жорий этилиши учун доимо куч-ғайрат сарфлаб келмоқда. Кейинги йилларда ҳосил ўримида ипатоволиклар методидан кенг миқёсда фойдаланилди. Шу туфайли меҳнат унумдорлигини бир ярим баравар оширишга, ўрим-йиғим ишлари муддатини анча қисқартириб, сифатини яхшилашга муваффақ бўлинди.

Бундан бир неча йил муқаддам Оренбург областида «Бутун оила билан ҳосил ўримига чиқамиз!» деган шиор остида ҳаракат бошланган эди. Ҳозир ҳам ғалазорларда 80 дан ортиқ оилавий экипаж ва звено муваффақиятли меҳнат қилмоқда. Мана шундай коллективларда эса интизом ҳам мустаҳкам, ўзаро мададкорлик ҳам яхши ривожланган, шу боисдан меҳнат унумдорлиги ҳам анча юқори. Айни оилавий экипажлардан тажрибали, малакали кадрлар — ота-бола механизаторлар етишиб чиқаётганини тажриба кўрсатди.

Совет касаба союзлари, деди ВЦСПС раиси ўртоқ **А. И. Шибаев**, КПСС Марказий Комитети Ҳисобот докладидаги хулосалар ва қоидаларни, партиянинг иқтисодий стратегиясини ва халқ фаровонлигини янада оширишга қаратилган ленинча йўлини ижодийлик билан тўла-тўкис маъқулламоқдалар. Улар партия Марказий Комитетини, Ленин ишининг атоқли давомчиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг собитқадам, изчил ички ва ташқи сиёсатини ижодийлик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Социализмнинг ғолиб муҳолифлари, деди сўзини давом эттириб нотиқ, социалистик жамият шароитида касаба союз қурилишининг энг муҳим принципига: касаба союзлари Коммунистик партиянинг раҳбарлик ролини эътироф қилишига қарши зарба беришга неча марталаб уринадилар ва уринмоқдалар. Бунда улар социализм шароитида ишчилар синфининг ижтимоий ишлаб чиқариш системасидаги мавқеи тубдан ўзгаришини, меҳнаткашлар мамлакатининг хўжайини бўлиб қолишидан иборат тарихий фактни эътиборга олмайдилар.

Делегат касаба союз ишидаги камчиликларга батафсил тўхталиб ўтди. Касаба союзларга, деди у, ўзларининг ким ҳуқуқларидан фойдаланишда ҳали баъзан ташаббускорлик етишмайди.

Сўнгра делегатлар «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига тақдим этиладиган лойиҳасига киритиладиган тузатишлар ва қўшимчаларини кўриб чиқиш ҳамда шу масалага доир съезд қарорининг лойиҳасини тайёрлаш учун бир овоздан комиссия сайладилар.

Совет ёшлари намояндалари съезд делегатлари ва меҳмонларини табриклаш учун залга кириб келдилар. Съезд аҳли «Ўнинчи беш йилликни зарбдорларча якунлаймиз! КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз!» шиори остидаги комсомол ишлари Бутуниттифоқ эстафетасининг ғолибларини, пионерлар ва октябрятларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олди. Ленин комсомолининг рапорти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга тантанали вазиятда топширилди. Кремль Съездлар саройининг гумбазлари остида мамлакат ёшларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига садоқатини билдирган қасамёди янгради.

Делегатлар самимий кутиб олган Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ **Х. Флоракис**, Сурия Араб социалистик уйғониш партияси Бош секретарининг ўринбосари ўртоқ **Абдалла Ал Ахмар**, Финляндия Коммунистик партиясининг Раиси ўртоқ **А. Сааринен**, ФРЕЛИМО (Мозамбик) партияси Марказий Комитети доимий Сиёсий комитетининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ **М. Душ Сантуш** съездни табриклаб нутқ сўзладилар.

КПСС XXVI съезди 28 февраль куни ўз ишини давом эттирди.

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

Пойтахтимизнинг барча қурувчилари қатори 2-уйсозлик комбинати меҳнат коллективлари ҳам партиямизнинг XXVI съезди материалларини чуқур ўрганишмоқда. Айниқса, ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXVI съездига Ҳисобот докладидаги **«Янги беш йиллик қурувчилар учун жиддий имтиҳон бўлади. Маҳсулотнинг энг кўп ўсишини таъминлашга, танг жойларни тугатишга қодир бўлган корхоналарни тезроқ қуриб битказиб, ишга тушириш учун кучларни ҳар томонлама жамлаш шу беш йилликка хос хусусият дир»**, деган сўзлари биз бунёдкорлар олдида турган вазифаларни янада конкрет белгилаб беради.

Бу борада пойтахтимизда тўққиз қаватли уй-жойларни қуришга ихтисослашган бизнинг комбинатимиз ишлаб чиқариш фаолиятида ҳам қатор ютуқ ва муаммолар мавжуд. Биз КПСС XXVI съезди қарорлари асосида комбинатимизни ҳар томонлама ривожлантиришни, шунингдек шаҳримизда янада баланд уй-жойлар қуришни ўзлаштириш учун комбинат базасидаги уйсозлик заводини 12 — 16 қаватли бинолларнинг комплектларини ишлаб чиқариш бўйича реконструкциялаш ишларини олиб бораётган трестлар ҳамкорлигида конкрет режалар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан ишга туширилаётган объектларда қурилиш ишлаб чиқаришига партиявий раҳбарликнинг янги формаси вужудга келяпти. Бу реконструкция қилинаётган корхона ва реконструкциялаш ишларини олиб бораётган ташкилотлар партия комитетларининг биргаликдаги партиявий назоратидир.

КПСС XXVI съезди белгилаётган ва ҳаётга татбиқ этиш учун конкрет иш программасига айланган бундай тадбирлар шаҳримизда уй-жой қурилишини янада тараққий эттириш имконини беради.

Р. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
Тошкентдаги 2-уйсозлик комбинати партия комитетининг секретари.

ПРАВДА саҳифаларида

● «Умумхалқ мадади»— газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Михаил Сергеевич Горбачевни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг фармони эълон қилинган.

● 1 март куни КПСС XXVI съездининг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари съезд делегатлари—Бошқирдистон коммунистларининг вакиллари билан учрашдилар. Қишлоқ ўқитувчи ва халқ шоири, нефтчилар ва ишлаб чиқариш раҳбарлари, партия ва совет ходимлари мухбирларга Бошқирдистон АССР меҳнаткашларининг Совет ҳокимияти йилларида эришган улкан ютуқлари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган хабарлар, спорт хабарлари эълон қилинган.

МАРТ ОЙИДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Қиш фасли ҳам ўтди. Бу фасл бу йил одатдагидан ташқари иссиқ бўлди. Фақат февраль ойининг охирида кунлар совиб, бутун борлиқни қоплаб қор ёғиб ўтди. Лекин бу кунлар узоқ чўзилмади. Қор тезда эриб кетди. Тоғлиқ районлардагина эса чанғичиларни қувонтирадиган «оппоқ кўрпа» сақланиб турибди.

Шу йилнинг март ойи об-ҳавоси Тошкент шаҳри ва пойтахт областида ниҳоят бўлиши кутилмоқда. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади, ойнинг дастлабки кунларида қорга айланиши ҳам мумкин. Биринчи ўн кунлик совуқ бўлиши кутилмоқда. Ҳаво кечалари 0—5 даража совуққача пасаяди, кундузлари 2— 7 даража иссиқ бўлади.

Қуёш радиациясининг оқими март ойида февраль ойига нисбатан кўпаяди. Шунинг учун ҳам қуёш чарақлаб турган кунларда — иккинчи ва учинчи ўн кунликда кечалари 3— 8, кундузлари 18— 23 даража иссиққача кўтарилади. Ойнинг қолган бошқа кунларида кечалари 0— 5, кундузлари 9— 14 даража иссик бўлади.

Умуман олганда ойлик ўртача температура кўп йиллик ўртача миқдорга яқин бўлади.

Иккинчи ўн кунликда секундига 15 —20 метр тезликкача шамол кучаяди. Ой охирида момақалдироқ юз беради.

телетайп лентасидан

▲ **СОФИЯ. Болгарлардан қарийб юз минг киши мактабдан ташқари таълим курсларида рус тилидан билимларини такомиллаштирмоқда. Рус тилини ўрганишнинг бу тури республикада кенг тарқалган. Курслар ташкил этилганидан бу ён ўтган ўттиз йил мобайнида икки миллиондан кўпроқ киши улардан таълим олди. Курсларга мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳам қатнаётганлиги факти ҳам бу курсларнинг оммалашганлигидан далолат беради. Курслар болаларни рус тилига онд мактаб программасини бирмунча пухта ўзлаштиришга тайёрламоқда. Рус тилини мунтазам ўрганиш учинчи синфдан бошланади.**

▲ АММОН. Исроилнинг оккупациячи маъмурлари Қуддусдан жанубий-шарқда жойлашган арабларнинг яна 11 минг донум (1 донум 0,1 гектарга тенг) ерини мусодара қилишга қарор бердилар. Босқинчилар сўнгги уч ой мобайнидагина Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида 60 минг донум ерни мусодара қилдилар.

▲ **АККРА. Гана ҳукумати ўрта мактаб ўқитувчиларининг чет элларга нўплаб кетиб қолаётганлигидан хавотирланмоқда. 1977 йилдан 1980 йилгача даврдагина 45 минг ўқитувчи иш қидириб Ганани ташлаб кетган. Нарх-навонинг доимо ошиб бораётганлиги, иш ҳақининг ниҳоятда камлиги, деб таъкидлайди матбуот, муаллимларнинг мамлакатдан кетиб қолишига сабаб бўлмоқда.**

▲ ТОКИО. Япония юстиция министри С. Окуно мамлакатнинг қуролли кучларини ташкил қилишдан ва уруш олиб боришдан воз кечишини эълон қилган Японня конституциясини қайта кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида яна фикр билдирди. У парламентда нутқ сўзлаб, мамлакатнинг асосий қонунини «ўзгараётган вазиятларга» мувофиқлаштириш учун уни ўзгартириш лозимлигини ёқлаб гапирди.

(ТАСС).

ПАРТИЯ ЕТАКЧИЛИГИДА ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

28 ФЕВРАЛЬ ЭРТАЛАБКИ МАЖЛИС

(Бошн 1-бетда).

Советлар мамлакатининг коммунистлари ўз съездида совет халқининг бахт-саодатини, жонажон давлатининг янада равнақ топиши ва мустаҳкамланишини кўзлаб, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларини муҳокама қилмоқдалар.

Асосий йўналишлар лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси салкам уч ой давом этди. Партиявий ишни ва хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга, маданият даражасини янада юксалтиришга қаратилган кўпгина амалий, қимматли таклифлар ва қўшимчалар айтилди.

Мамлакатнинг иқтисодий ва социал тараққиёти вазифаларини белгилаб берган муҳим партиявий ҳужжат тўғрисидаги ҳал қилувчи сўзни съезд делегатлари айтишади. Улар шуни ўқтириб ўтмоқдаларки, ҳамиша катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш керак бўлганида партия халқ билан маслаҳатлашади. Бутун халқ партиянинг сиёсатини маъқуллаётганининг, сиёсат бутун совет халқининг иши ва фикри-зикри бўлиб қолаётганининг боиси ҳам шу.

Чет эл коммунистик, ишчи, миллий демократик партияларининг намояндалари съездда сўзга чиқиб, КПСС-ни ва совет халқини табриклашмоқдалар. Улар совет халқининг янги жамият қурилишидаги муваффақиятларини зўр самимият билан қайд этмоқдалар, янги беш йилликда СССРнинг иқтисодий ва социал тараққиёти истиқболларини қойил қолиб баҳоламоқдалар. Чет эллик меҳмонлар КПСС билан Совет давлатининг бутун дунёда тинчлик йўлидаги изчил фаолиятини таъкидламоқдалар.

28 февраль эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Г. В. Романов** раислик қилди.

КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **В. К. Гусевга** сўз берилади.

У СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш асосий йўналишларининг лойиҳаси тўғрисида гапириб халқ хўжалигига партиявий раҳбарлик, социалистик мусобақани ташкил этиш ва ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш масалаларига катта эътибор берди. У дашт районларида қурғоқчиликка қарши курашда суғориш ишлари қалқон бўлиб қолганлигини айтди. Ширали озуқа экинларининг 40 проценти, пичаннинг 80 проценти суғориладиган ерларда етиштирилмоқда. Бу эса чорва молларини ва чорвачилик маҳсулоти етиштиришни мунтазам кўпайтириш имконини беради. Сабзавот етиштириш ҳам ошди.

Суғориш иши дон, озуқа, сабзавот етиштириш имконини беришгина қолмай, бу жараён социал жиҳатдан ҳам катта натижалар беради. Қишлоқлар ҳам қад кўтариб обод бўлмоқда. Уларда истиқомат қилувчи аҳолининг сони кўпаймоқда, аҳолининг дашт районларидан бошқа жойларга кўчиб кетиши барҳам топди, механизаторлар сони кўпайди.

Нотиқ бир қанча таклифлар киритди. Унинг фикрича, бу таклифларни амалга ошириш суғориладиган деҳқончилик самарадорлигини юксалтиради.

СССР Газ саноати министри ўртоқ **С. А. Оруджев** газ қазиб чиқариш юзасидан беш йилликнинг охирига мўлжалланган қуйи даражадан 1979 йилдаёқ, юқори даражадан эса 1980 йилдаёқ ўзиб кетилганлигини маълум қилди. Табиий газ техникани тараққий эттириш ва ижтимоий меҳнат самарадорлигини оширишнинг қудратли омили бўлиб қолди.

Ўн биринчи беш йилликда, деди нотиқ, Ғарбий Сибирда газ қазиб чиқариш жиҳатидан ҳозирги базага қараганда икки ярим баравар кўпроқ қувватга эга бўлган комплекс базани вужудга келтириш вазифаси қўйилган.

Белгород областидаги Ракитное райони касалхонасининг врачи ўртоқ **Л. И. Дьячкова** болаларни комплекс даволаш ва тарбиялаш соҳасида қимматли тажриба тўплаган Белгород области қишлоқ даволаш муассасалари ва комплекс мактабларининг ишига тўхталиб ўтди. У қишлоқ меҳнаткашлари ёш ўринбосарларини ҳар томонлама камол топтириш тўғрисидаги ғамхўрликнинг шундай формасини такомиллаштириш зарур деган масалани ўртага қўйди.

Асосий йўналишлар лойиҳасида, деб мамнуният билан қайд этди делегат, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш даражаси ва сифатини анча ошириш кўзда тутилган, соғлиқни сақлаш муассасаларини энг янги техника, транспорт, ғоят самарали дори-дармонлар билан таъминлашни яхшилаш чоралари кўрсатиб ўтилган. У делегатларни ишонтириб айтдики, медицина ходимлари съезд ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бутун кучларини сарфлайдилар.



КПСС XXVI съезди. Суратда: Ўзбекистон делегатлари мажлислар залида. ССРдан сайланган делегатлар мажлислар залида. В. Соболев фотоси. (ТАСС).

Унинчи беш йилликда, деди СССР Қишлоқ хўжалик министри ўртоқ **В. К. Месяц**, мураккаб, ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий ҳажми 618 миллиард сўмликни ташкил этди яъни тўққизинчи беш йиллиқдагига нисбатан 50 миллиард сўмлик кўп бўлди. Дон, пахта, сабзавот, мева, узумнинг ялпи ҳосили ошди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайди.

Ўн биринчи беш йилликда, деб таъкидлади нотиқ, қишлоқ хўжалиги учун катта ва тиғиз топшириқлар кўзда тутилмоқда. Ҳозирдаёқ қишлоқда вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш — ана шу топшириқларни амалга ошириш гаровидир. Дон етиштиришни тобора барқарор кўпайтириш ҳамда жамоат чорвачилиги учун ҳам, шунингдек аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида боқилаётган молдар учун ҳам ем-хашак етиштиришни бутун чоралар билан ошириш озиқ-овқат программасини ҳал этишда биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади.

Иккинчи ахли самимий кутиб олган Жазоир Миллий озодлик фронти партияси Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ **М. С. Мазузи**, Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Р. Арисменди**, Буюк Британия Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ **Г. Макленнан**, Кампучия Халқ Республикаси Халқ революцион кенгаши Раисининг ўринбосари ўртоқ **Пен Сован**, Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ **Х. Бағдош**, Никарагуа сандиночилар миллий озодлик фронти миллий раҳбарлик органининг аъзоси, Никарагуа Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ **К. Нуньес** съездни табриклаб нутқ сўзладилар.

КПСС XXVI съезди 2 март куни ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

• *Мажбуриятлар изидан*

КАМ МАБЛАҒ САРФЛАБ, КЎПРОҚ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК

КИРОВ ВА СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Икки мусобақадош район ишлаб чиқариш коллективлари КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олдилар. Киров райони саноат корхоналари маҳсулот реализация қилиш бўйича январь ойи планини 3,1 процент, Собир Раҳимов райони 2,6 процент ортиғи билан адо этдилар. Бу планга қўшимча 459 минг ва 460 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш имконини берди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқ 4,2 ва 2,3 процент ортиғи билан адо этилди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий ўсиш суръати 3,8 ва 6,6 процент юксалди.

Меҳнат унумдорлиги плани 104,5 ва 101,8 процент адо этилди. Меҳнат унумдорлигини юксалтиришнинг ўтган йилга нисбатан ўсиши 3,3 ва 6,4 процентни ташкил этди. Киров райони саноати ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 89,5 процентини, Собир Раҳимов райони саноати эса 89,6 процентини меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига таъминлади.

Киров районида йилнинг биринчи ойида умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 18 процент маҳсулот, Собир Раҳимов районида эса 21,2 процент маҳсулот давлат Сифат белгиси билан тайёрланди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш плани 1,1 ва 2,4 процент ортиғи билан адо этилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш Собир Раҳимов районида 6,8 процент ўсди, Киров районида эса 1,5 процентга камайди.

Мусобақадош районларда барча корхоналар маҳсулот реализация қилиш бўйича планни уддалашди. Бироқ, январь ойи ишлаб чиқариш программасининг бажарилишини таъминламаган талайгина бўлинмалар ҳам бор. Жумладан, Киров районида ойлик планни бир цех, уч участка, 20 бригада, 250 ишчи; Собир Раҳимов районида бир цех, икки бригада, 37 ишчи бажара олмади.

Қурилиш-монтаж ишлари планини (марказлашган молия манбалари — 1980 йил маълумотлари) Киров ва Собир Раҳимов районлари қурувчилари 94 процент бажардилар. Турар жойни фойдаланишга топшириш йиллик планн 105 ва 107 процент бажарилди.

КИРОВ РАЙОНИ:

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми бу ерда 575 минг сўмликка ўсди.

Планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича социалистик мажбуриятларни «Ўзбексельмаш» (37 минг сўмлик ўрнига 100 минг сўмлик буюм реализация қилиб), «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, асбобсозлик заводи муваффақиятли адо этдилар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича белгиланган мажбуриятларни икки баробар ортиғи билан бажаришди. «Ўзэнергоремонт» корхонаси, тамаки фабрикаси, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси коллективлари мажбуриятларини уддалаша олмади.

«Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқариш ҳажми 12,9 процент, «Ўзбексельмаш» бирлашмасида 7,2 процент ўсди. Шу билан бирга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмини Тошкент қурилиш материаллари бирлашмаси 15 минг сўмликка, шаҳар маҳаллий саноат бошқармасининг тўқимачилик-галантерея фабрикаси 45 минг сўмликка, «Ўртоқ» фабрикаси 134 минг сўмликка камайтириб юбордилар.

Барча корхоналар ҳам шартномадаги мажбуриятларини бажаяптилар, деб бўлмайди. Жумладан, шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, қурилиш материаллари саноати бирлашмаси буюртмачиларга шартномада белгиланган 270 минг сўмлик, тамаки фабрикаси 4,5 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермади. Тамаки фабрикаси бундан ташқари маҳсулот таннархининг 990 минг сўмликка қимматлашиб кетишига йўл қўйдилар.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ:

Ўтган йилнинг январь ойига нисбатан бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми 926 минг сўмликка юксалди.

«Компрессор», «Миконд», подшипник ремонти заводи, чинни заводи, «Турист» ишлаб чиқариш комбинати, ирригация бўйича Давлат маҳсус конструкторлик бюроси коллективлари ойлик планни муддатидан аввал уддаладилар. Бунинг натижасида планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича мажбурият ортиғи билан бажарилди. Бироқ, дурадгорлик буюмлари заводи, экскаватор ремонти заводи, 10-авторемзавод, метални қайта ишлаш бирлашмаси ва бошқа бир қатор корхоналар ойлик мажбуриятда белгиланганидан анча кам ҳажмда топшириққа қўшимча буюм ишлаб чиқардилар.

Сўнгги йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми «Геологоразведка» заводида, 3-йирик панелли уйсозлик заводида, ўйинчоқлар фабрикасида, кўн-галантерея буюмлари фабрикасида, «Турист» комбинатида ўн процентдан ортиққа ўсди. Шу билан бирга 1980 йилнинг январь ойига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми «Тошкент» метални қайта ишлаш бирлашмасида 290 минг сўмликка, Ўзбекистон карлар жамиятининг 1-ўқув ишлаб чиқариш корхонасида 23 минг сўмликка камайиб кетди.

Тошкент мармар бирлашмаси, метални қайта ишлаш бирлашмаси, кенг истеъмол буюмлари фабрикаси, бош кийимлар фабрикаси 1980 йил учун қабул қилинган шартномада белгиланган ассортиментда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқни уддалашолмади.

Тошкент ёғочни қайта ишлаш бирлашмаси, метални қайта ишлаш бирлашмаси, 10-авторемзавод, дурадгорлик буюмлари заводи, 1980 йилда товар маҳсулот таннархининг қимматлашиб кетишига йўл қўйдилар.

Шу йилнинг январь ойидаги социалистик мусобақа якунларини Собир Раҳимов район партия комитети саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири Ш. Сандов шарҳлайди:

— 23 февраль эрталаб район партия комитетига «Миконд» заводидан рапорт келди: Р. Васильева бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси квартал планини бажарди. Икки ойлик планнни бир қатор корхона ва ташкилотлар: 3-йирик панелли уйсозлик заводи, «Турист» ишлаб чиқариш комбинати, 14-рельс пайвандлаш поезди, шаҳар маҳаллий саноат бошқармасининг бадиий конструкторлик бюроси, 127-автобаза, «Ташросстрой»нинг қурилиш бошқармаси ва бошқа коллективлар муддатидан аввал бажардилар.

КПСС XXVI съездига бағишланган меҳнат муваффақиятларига январь ойидаги зарбдор меҳнат вахтасида замин ҳозирланганди. «Меҳнат туҳфаларимиз — партия съездига!», «Қолоқларсиз ишлаймиз!» шиорлари остида меҳнат қилган барча ишлаб чиқариш коллективлари йилнинг биринчи ойи топшириғини муваффақиятли адо этдилар.

Социалистик мусобақа таъсирчанлигини ошириш бўйича тадбирлар кўрилаётганлиги таҳсинга лойиқдир. Жумладан, «Миконд» заводида, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида цехлар, участкалар, бригадалар, асосий касблардаги ишчилар ўртасидаги меҳнат беллашувига ҳар куни якун ясалиб, илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириляпти.

Бу албатта, мусобақанинг таъсирчанлигини оширяпти.

Шу билан бирга, бир қатор ишлаб чиқариш бўлинмалари қолоқликка йўл қўйдилар. Жумладан, Тошкент мармар бирлашмасининг гранит плиталарни арралаш цехи топшириқни уддалай олмади. Тошкент ўйинчоқлар фабрикасида ва дурадгорлик буюмлари заводида айрим бригадалар ойлик планни бажариша олмади. Бунинг сабаби битта — меҳнат етарли даражада аниқ ташкил этилмаган, корхонанинг таъминотчи хизматлари тезкорлик кўрсатишмаган, участкаларни ҳом ашё маҳсулотлар билан вақтида таъминлашмаган.

Шу кунининг вазифаси КПСС XXVI съезди шарафига бошланган зарбдор вахтада қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаб, квартал планини муддатидан аввал адо этишдан иборатдир.

✦ БИЗГА ЖАҲОН НАЗАР ТАШЛАМОҚДА

«ЎЗБЕКИСТОН—БИЗНИНГ АЖОЙИБ КЕЛАЖАГИМИЗ»

Мозамбикнинг марказий матбуот органи — «Темпу» журналининг махсус сони мамлакат президенти Самора Машелнинг Совет Иттифоқига қилган визитига бағишланган. Журнал саҳифаларининг ярмидан кўпи социализм қурилиши йўлига ўтиб олган Африкадаги ёш давлат бошлиғи Ўзбекистонда кўрган турмуш ҳақидаги ҳикояга, у ердан олган таассуротларига ажратилган. Журнал, Ўзбекистон тўғрисида географик, тарихий маълумотларни баён қилади. Журнал республика гуллаб-яшнаганлигини кўрсатувчи кўпдан-кўп мисоллар келтириб, «социализм шароитидагина, улуғ Ленин партиясининг раҳбарлиги туфайлигина шундай бўлиши мумкин»лигини қайта-қайта таъкидлаб ўтади.

Мозамбикдан борган меҳмонлар қаерда бўлмасинлар ҳамма жойда, деб ёзишади президентнинг сафарида ҳамроҳлик қилган журналистлар, «бизни табассум ва шод-хуррамлик билан кутиб олишди. Одамларнинг кўзлари: сизлар ўзингизни бу ерда ҳудди уйингиздагидек ҳис этаверинг, деяётгандек эди. Совет ҳокимияти мавжуд бўлган, Ленин ғояларини амалга оширилган мамлакатдагина шундай ҳайриҳоҳлик, шоду-хуррамлик бўлиши мумкин».

Олис мамлакат журналистлари «бу ерда социалистик жамият кишиларининг куч-ғайратлари туфайли унумдор ерга айланган чўл-биёбонларни кўрганликлари, инсон қисқа муддат ичида табиатни ўзгартириб, унумсиз ерларни пахта ҳосили беришга мажбур қилиб, боғ-роғларни яшнатиб юборганлиги» тўғрисида завқ-шавқ билан ёзадилар.

«Темпур» журнали Ўзбекистоннинг энг катта ирригация қурилишлари тўғрисида батафсил ҳикоя қилиб, қурувчиларнинг ғайрат-шижоатларини алоҳида таъкидлаган.

Журнал Ўзбекистонда қарияларни иззат-ҳурмат билан оқсоқоллар, деб аташлари, улар жуда иззатда эканликлари тўғрисида журналхонларга зўр самимият билан маълум қилади.

Республика индустрияси, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ҳаётнинг турли жиҳатлари — хуллас Мозамбикдан келган меҳмонларнинг эътиборидан ҳеч нарса четда қолмади.

ИЛМ-ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ДЕҲҚОНЛАР БИЛАН БИРГА

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг олимлари ҳатто ноқулай келган йилларда ҳам гектар бошига 50 центнер ва ундан кўп муттасил пахта ҳосили берадиган ғўза етиштириш агротехник усулларини ишлаб чиқадилар. Янги агротехника илғор коллективларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, олий мактабнинг программалаштирилган пахта ҳосили олиш системаси жорий этилган ўқув тажриба участкасида комплекс тадқиқотлар ўтказиш асосида яратилди. Тавсиялар республика Қишлоқ хўжалиги министрлигига кенг кўламда қўлланиш учун топширилди.

— Институтда ўтказилаётган илмий-тадқиқотларнинг кўпчилиги, — дейди илмий ишлар бўйича проректор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, профессор З. У. Умаров, — республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг муҳим тармоғи— пахтачиликни янада юксалтириш конкрет проблемаларига бағишланган. Бугунги кунда 12 кафедра, проблема ва учта тармоқ лабораторияларининг олимлари, олий ўқув юрти тажриба станциясининг ходимлари ғўза ва уни парвариш қилиш агротехникаси билан боғлиқ бўлган изланишлар комплекси билан шуғулланмоқдалар.

Ўн биринчи беш йилликда аграрчи тадқиқотчилар пахтачиликни ривожлантиришга янада салмоқли ҳисса қўшиш ниятида. Институтда илмий изланишларни ривожлантириш комплекс программаси белгилаб олинди. Бу программа деҳқончилик маданиятини, мураккаб ўғит, ғўзани ўстирадиган стимуляторлар ҳамда заҳарли оз дефолиант моддалар ишлаб чиқаришни юксалтириш борасидаги тадқиқотлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши кўзда тутилган.



Пойтахтимиздаги 1-пойафзал фабрикасининг коллективи партиямизнинг XXVI съезди ўтаётган шу кунларда зарбдор меҳнат қилмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдори Н. Денисова кўп йиллардан буён корхонанинг илғор ишчилари сафида бориб, яхши меҳнат кўрсаткичларига эришмоқда.

Фотомухбир И. Шоинғомовнинг юқоридаги суратида илғор ишчи Н. Денисовани кўриб турибсиз.



Муҳайё Низомова бир неча йил дан бери бадиий буюмлар фабрикасида самарали меҳнат қилиб келади. Бу илғор ишчи КПССнинг XXVI съездини меҳнатда юксак кўрсаткич лорни қўлга киритган ҳолда кутиб олди. У кунлик смена топшириқларини мунтазам равишда ортиғи билан адо этиб ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

СУРАТДА: М. Низомова.

И. Шоинғомов фотоси.

2 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

2 МАРТ, 1981 й.

Қизил байроқли коллективларда

ТЕХНИКА ЯНГИЛИГИ САМАРАСИ

Унинчи беш йиллик мобайнида юксак иш сифати ва самарадорликка эришган «Ўзэлектромонтаж» трести коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғи ва шунингдек, Эсдалик нишони билан тақдирланди, СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Бутунittифоқ «Ҳурмат тахтаси»га номи ёзилди.

1976-80 йилларда трест коллективи республикамиз пойтахтида ва шунингдек, Ўзбекистоннинг бошқа областларида 226,1 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Бу эса планда белгиланганидан 2,6 процент кўп, демакдир. Меҳнат унумдорлиги 12,6 процентга ўсди, олинган фойда пландаги кўрсаткичдан 3,5 миллион сўмлик ортиқ бўлди. Хўш, бундай юксак ишлаб чиқариш муваффақиятларига қандай эришилди?

— Коллективимиз, — дейди трест бошқарувчиси, А. Клеблеев, — иш сифати ва меҳнат унумдорлигини ошириш, техника янгиликларини кенг қўллаш, жойларда меҳнатни стимуллаштириш ва ташкил этишнинг хўжалик ҳисобини жорий этиш эвазига бу муваффақиятларни қўлга киритди.

Трест коллективининг энг муҳим вазифаси— саноат, турар жой-коммунал объектларида электр-монтаж ишларини бажаришдан иборатдир. Бу ишларни трестимиз ишчилари, мутахассислари, инженер-техник ходимлари муваффақиятли уддалаяптилар.

Биринчи марта электр-монтаж ишларини амалга ошириш тажрибасида камёб пўлат қувурларнинг ўрнига электр-монтаж буюмлари заводида тайёрланган электр-қутилар қўлланилди.

Жумладан, бу янгиликни биринчи марта Ўзбекистон пойтахтининг Сергели районидаги турар жой қурилишида Зоҳид Халилов бошлиқ электр-монтажчилар бригадаси амалга оширди. Натижада, меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ўсди, иш сифати яхшиланди.

В. П. Чкалов номли авиция ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги ишлаб чиқариш корпусларида, Тошкент тўқимачилик комбинатининг филалларида, трактор заводида ва шунингдек, Тошкент метрополитенининг станцияларида ва перегонларида В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги Саройи, турар жой, мактаблар ва бошқа объектлар қурилишида электр-монтаж ишлари энг илғор усуллар асосида амалга оширилди.

Оғир мис электр шиналари ёрдамида заготовкаларни йирик блокли монтаж қилишда қўлланилган усул салмоқли самара берди. Бу иш методи Фарғонадаги азотли ўғитлар заводида, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ҳам қўлланилди.

— Ходимларимизнинг ижодий изланиши катта самара келтирмоқда, — деб таъкидлайди техника бўлими бошлиғи П. Диба.— Фақат беш йилликнинг сўнгги йилида техника янгиликларини ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига трест коллективи 2 миллион сўмликдан зиёд иқтисодий самарага эришди. Электр пайвандчи Р. Азизов, инженер В. Путим, электр-слесарь, М. Исоқов, катта инженер Ш. Симашев ва бошқалар ишлаб чиқаришга ўнлаб қимматли рационализаторлик таклифларини жорий этишиб, бу борада жонбозлик кўрсатдилар.

Меҳнатни ташкил этишни бригада методи ривожланмоқда ва кенг қўлланилмоқда. Фақат Тошкентда жойлашган трест ташкилотларида 22 та коллектив бригада пудратн методи асосида ишлаяпти. Улар умумий ишлар ҳажмининг 55 процентини амалга оширмоқдалар. Б. Сомов, С. Набижонов, М. Хамзинлар бошлиқ хўжалик ҳисобидаги бригадалар юксак самарадорликка эришмоқдалар. Улар оддий бригадаларга нисбатан 20 —25 процент кўп иш бажаришяпти. Мазкур бригадалар турар жой биноларида монтаж ишларини муддатидан бир — икки кун илгари «яхши» ва «аъло» баҳолар билан буюртмачиларга топшираяптилар.

Шунинг учун ҳам трест коллективининг бригада пудратини самарали жорий этишда 1980 йилнинг тўртинчи квартали социалистик мусобақасида пойтахт областида энг яхши коллектив деб топилгани бежиз эмас.

Янги йилда ҳам трест электр-монтажчилари сифатли ва унумли ишлаяпти, КПСС XXVI съезди ўз ишини давом эттираётган шу кунларда юксак унумдорликка эришмоқда. Коллектив оширилган мажбурият олди. Йиллик планни 25 декабрь бажаришга аҳд қилинди. Бу эса қўшимча 550 минг сўмлик электр-монтаж ишларини бажариш имконини беради.

Адабиёт ва санъат

ИЖОДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Республика киночилар уйида ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудиясининг 1980 йилги ишлари ҳисоботига бағишланган ижодий конференция бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари икки кун давомида ўтган йили яратилган 20 дан ортиқ ҳужжатли ва илмий-оммабоп лента-ларни томоша қилдилар. Кўрсатилган лента-лар орасида М. Қаюмовнинг «Ер реформаси», «Аскар фронтдан қайтди», В. Мельник сценарийси асосида К. Музаффаров суратга олган «Концерт залі», Д. Салимовнинг «Ранс», В. Иванов ва Г. Каримовлар сценарийси асосида Ҳ. Иброҳимов суратга олган «Инсон бахт-саодати учун» ва бошқа фильмлар бор эди.

Конференция ишида бир қатор қардош республикалардан меҳмон бўлиб келган киноҳужжатчилар иштирок этдилар. Қозоғистондан Ю. Б. Пискунов, Б. Р. Гутлин, Туркманистондан С. Мулланиёзов, Ленинграддан РСФСР Давлат мукофоти лауреати М. С. Литвяков ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар ўзлари билан бирга олиб келган кинолентала-рни ҳам намойиш этишди.

Кўрикдан кейин киношунослар иштирокида бўлиб ўтган муҳокамада республика ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудиясининг ўтган йилги ишларига якун ясалди, янги ижодий режалар белгилаб олинди.

Шоирлар — институт меҳмони

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти студентларининг таниқли ижодкорлар ҳамда санъаткорлар билан учрашувлари яхши анъанага айланиб қолди.

Куни кеча институтнинг ўқув зали яна студент ва ўқитувчилар билан гавжум бўлди. Бу ерга шоирлардан Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари Муҳаммад Али, Ҳусниддин Шарипов ҳамда Аскар Қосимовлар меҳмон бўлиб келишди. Шоирлар ўзларининг янги шеърларидан ўқиб бердилар, ижодий режалари билан ўртоқлашдилар.

Учрашув охирида шоирлар студентларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб бердилар.

Ҳ. ХУШМАТОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик институти студенти.

Танишинг, ҳамшаҳарларингиз

НОШИР ВА ТАРЖИМОН

Ҳар йили республикамиз нашриётларида юзлаб номдаги китоблар чоп этилади. Уларнинг бир қисми таржима асарлар. Заҳматкаш таржимоларимизнинг фаолияти туфайли кейинги йилларда жаҳон ва СССР халқлари адабиётининг энг яхши намуналари ўзбек тилида жаранглади. Шекспир, Рабиндранат Тагор, Хеминг-суй, Гёте, Данте, Ҳофиз, Саъдий, Фирдавсий сингари жаҳон адабиётининг машҳур намояндалари асарлари ўзбек халқининг ҳам бадиий ҳазинасидан муносиб ўрин олди. Ана шу олийжаноб ишга сидқидилдан хизмат қилаётган истеъдодли таржимонлардан бири Тоҳир Иброҳимовдир.

Тоҳир Иброҳимов қарийб 25 йилдирки, ноширлик ва таржимонлик қилиб келади. Бу йиллар ичида у оддий корректорликдан бош муҳаррирликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Етук таржимонлар ижодидан маҳорат сирларини ўрганди. Унинг дастлабки кичик таржималари вақтли матбуотда 1958 йилда эълон қилинган эди. Аста-секин у машҳур совет ёзувчиларининг қисса ва романларини таржима қилишга ўтди. Китобхонлар сенегаллик ёзувчи Сембен Усмон, эрон ёзувчиси Жамолзода асарларини, ҳинд ёзувчилари Мир Аммонинг «Боғу баҳор», Нараянниг «Авлиё Рожу» каби китобларини Тоҳир Иброҳимов таржимасида ўқишга муяссар бўлдилар. Айниқса, унинг ижодий маҳорати йирик асар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати А. Чаковскийнинг беш китобдан иборат бўлган «Қамал» эпопеяси таржимасида яққол намоён бўлди. Ҳозиргача эпопеянинг беш китоби ўзбек ўқувчилари қўлига тегди.

Т. Иброҳимов кино-сценарийлар таржимаси борасида ҳам самарали меҳнат қилиб келмоқда. У ҳозиргача йигирмадан ортиқ кинони ўзбекчалаштирди. Бугунги кунда бу асарлар экранларимизда муваффақиятли намойиш этилмоқда.

СССР Ёзувчилар Союзининг аъзоси, «Прогресс» нашриёти Тошкент бўлимининг бош редактори Т. И. Иброҳимов 50 ёшга тўлди. Биз таниқли ношир ва истеъдодли таржимонга сиҳат-саломатлик ва янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

А. БОБОХОНОВ.



РАССОМ УСТАХОНАСИДА

МЕҲНАТ КИШИСИНИ УЛУҒЛАБ

Шу кунларда республика Рассомлар союзининг кўргазма залида «Биз коммунизм қурамиз» деб номланган кўргазма намойиш этилмоқда. Асарлари экспозициядан ўрин олган рассомлар орасида таниқли мўйқалам устаси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Зокир Иноғомов ҳам бор. Биз кўргазмага тайёргарлик арафасида унинг устахонасида бўлиб, янги ишлари билан танишдик.

Энг аввало, бизнинг диққатимизни деворларга суяб қўйилган бир қатор асарлар жалб этди. Уларда меҳнат кишилари, табиат манзаралари, таниқли сиймоларнинг қиёфаси акс этган эди.

Бу асарлар «Жиззах ва жиззахликлар» туркумига киради, — дейди рассом, — уларда ўзимга қадрдон бўлган манзаралар гўзаллигини, замонамиз қаҳрамонларини акс эттиришга ҳаракат қиламан.

Янги туркумга кирган асарлар жанр, мазмун ва композицион ҳал этилиши жиҳатидан хилма-хил. Аммо уларни рассомнинг самимий туйғулари бирлаштириб туради. Ўз ишлари билан рассом боболар тер тўккан ва биз яшаётган ана шу заминдан ғўзалроқ ер йўқ, деган фикрни илгари суради.

Зокир Иноғомов ўз асарларини яратар экан, уларнинг сюжети учун ўзига хос, ноёб воқеаларни қидирмайди. У кундалик воқеаларнинг чуқур бадиий моҳиятини кўрсатишга интилади. Оддий нарсаларни янгича кўришга ундайди. Ўзи билган ва ҳис этган нарсаларгагина қўл уради. Шунинг учун ҳам рассом ижодининг ўзига хослиги ва оригиналлиги томошабинни мафтун этади.

Мана, ана шундай асарлардан бири — «Бахмалда байрам».

... Айни ёз. Бундай пайтда бахмал тоғларни янада улуғвор ва жозибали кўринади. Уларнинг оппоқ чўқ-қилари кўм-кўк осмонга қадалган, тоғ сўқмоқлари ва яйловлар яшил ўтлар, ранг-баранг гуллар билан қопланган. Тоғ этагида жойлашган чўпон ўтовига пиёда ва машиналарда меҳмонлар келмоқда. Улар ўтов соҳиблари билан бирга уларнинг онлавий тантанасини нишонлашга келишмоқда. Бу эпик полотнода рассомнинг бошқа асарларидаги каби қаҳрамонлар ўзига хос муҳитда, юксак таъсирчан кўринишда, маҳорат билан акс эттирилган. Санъаткорнинг пахтакор, каштачи аёл, халқ ёзувчиси, комбайнчи ва чойхоначи, новвой ва чўпон, балиқчи ва металлург портретлари ҳам ўзига хос.

Рассомнинг Жиззах мавзуига мурожаат этиши бежиз эмас. Совет ҳокимияти йилларида бу ўлка кишилари чинакам мўъжиза бунёд этдилар. Бир пайтлар иссиқ иқлими ва сув танқислиги билан дўзахга қиёс этилган Жиззах чўллари гулистонга айланмоқда. Жиззах шаҳри эса саноати ривожланган йирик марказ бўлиб қолди.

Зокир Иноғомовнинг «Жиззах ва жиззахликлар» сериаси ана шу воҳа кишилари, уларнинг қаҳрамонликлари ҳақидаги бадиий солномадир.

О. АПУХТИН.

СУРАТЛАРДА: З. Иноғомов ўз устахонасида; рассомнинг «Бахмалда байрам» асари.

Автор фотоси.



ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

И. ИЗЗАТОВ: Кечки сменадан олдин мен донор сифатида қон топширдим ва шу туфайли ишга чиқолмадим, маъмурият бўлса бунинг учун менга хайфсан эълон қилди. Маъмуриятнинг бу иши тўғримиди?

Жавоб: Йўқ, маъмурият тўғри йўл тутмаган. Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексининг 130-моддасига мувофиқ, корхона ва ташкилот бошлиқлари ишчи ва хизматчи донорларни соғлиқни сақлаш ташкилотларида текширув ўтказиш куни ва қон топшириш куни ҳеч қандай тўсқинлик қилмасдан ишдан озод этишлари шарт. Шу вақт ичида улар учун ўртача маош сақланади.

Қон топширилаётган куни донор қандай сменада ишлаётган бўлишидан қатъи назар (кундузи, кечки, тунги) ва у қандай вақтда (иш куни ёки дам олиш куни) ишлаётган бўлишидан қатъи назар ишдан озод этилади.

Ишчи ва хизматчи донорларга қон топширгандан кейин ўрта маошлари сақланган ҳолда дам олиш куни берилади. Бу дам олиш куни маъмурият билан келишилган ҳолда белгиланади.

Агар донор отпуска пайтида қон топширган бўлса, у ҳолда отпуска ўртача иш ҳақи тўланиши ҳисобга олинган ҳолда бир кунга ушайтирилади. Ишчи ва хизматчиларнинг қон топширган куни дам олиш кунларига тўғри келса ҳам бир кун қўшимча дам олиш куни берилади. Агар донорнинг қон топширадиган куни иш сменаси давомати 10 ёки 12 соатга тўғри келса, у ҳолда қон топшириш куни ва дам олиш куни иш сменаси давомати ҳисобига ўртача иш ҳақи тўланади.

Донор текшириш ва қон топшириш кунида ишдан озод қилиниши, шу куни ва кейинги дам олиш куни ўртача иш ҳақи сақланиб қолиши учун донордан қон олинганини ёки текширувдан ўтганини тасдиқловчи справка асос бўлади.

Дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмалар қон берадиган донорларга имтиёзли равишда берилади.

А. ҲАСАНОВ.
юрист-консультант.

* * *

А. САЙФУТДИНОВ: Ҳозирги Алишер Навоий номли опера ва балет катта театри қачон ташкил этилган ва унда илк бор қандай асарлар саҳналаштирилган?

Жавоб: 1929 йили Ўзбек Давлат этнографик ансамбли асосида Ўзбек Давлат опера ва балет театри ташкил қилинган. Актерлар ўзларининг дастлабки фаолиятини ҳозирги Свердлов номли концерт зали биносида бошлашган. «Ҳалима», «Ҳужум», «Фарҳод ва Ширин», «Буф» каби музикали драмаларни, 1939 йили эса бир неча операни саҳналаштирди. Опералардан бири «Бўрон» деб номланган бўлиб, унинг муаллифлари Комил Яшин, Мухтор Ашрафий, С. Василенколар эди.

* * *

Б. РАҲМОНОВ: Қаерда донра (чилдирма) ясатиш мумкин? Рубобни қаерда ремонт қилиб беришади?

Жавоб: Доира буюртма билан тайёрланмайди. Уни фақат Акмал Икромов районидаги Дилкаш кўчаси, 2-уйда жойлашган миллий чолғу буюмлари фабрикаси ишлаб чиқаради. Рубобни эса Весна кўчаси, 223-уйда жойлашган «Техсложбитприбор» бирлашмаси устахоналарида ремонт қилдиришингиз мумкин.

Янги шеърлар

АЛЕКСАНДР УЛЬЯНОВ

Миршабларнинг қуршовида жим,
Милтиқларга бўлганча нишон —
Александр Ульянов борар,
Кўлларини қисади кишан.
Оғир-оғир ташлайди қадам,
Оғир-оғир олади нафас.
Кўзларида бир дунё алам,
Юрагида — қонмаган қасос!
Қаршисида қисмати турар,
Бир юзи — оқ, бир юзи — қора.
... Йигит тикка ўлимга борар,
Ором истаб бўронлар аро!

* * *

«Мени унутмагил!», дединг сен,
Маъюс бир руҳ нўҳди юзингга.
Парилардек ўйчан эдинг сен,
Ҳаёл бўлиб чўндинг кўзимга.
Ҳайрлашолмадим сен билан,
Тополмадим айтар гапимни.
Сен кутардинг дийдайи нолон,
Сен кутардинг — сўнгги бор мени...
Неларнидир ғудрандим сенин,
Ўхшаб кетди гўё пичингга.
«Унутмайман!», дедим мен, лекин
«Севолмайман!» дедим ичимда.

ҚИЗИМ САОДАТГА

Қизим, сен гоҳида сўраб қўймайсан,
Айтмасам кўзингда пайдо бўлур ёш.
Юлдузлар тўкилиб кетмасми дейсан,
Узилиб тушмасми, дейсан шу қуёш.

Мен жавоб излайман саволларингга,
Ҳам ҳайрон қоламан ёқамни ушлаб,
Ошкора бирор гап айтмайман сенга,
Хаёлга ботаман лабимни тишлаб.

Қизим, сен гоҳида сўраб қўймайсан,
Айтмасам отангдан кўнглинг қолади.
Дунёнинг устуни қаерда дейсан,
Дейсан: уруш бўлса нима бўлади?

Мен жавоб излайман саволларингга,
Бу ҳаста юрагим баттарроқ урар.
Мен бирор аниқ гап айтмайман сенга,
Нимадир айтмоққа ҳалқит берар.

Қизим, сен гоҳида сўраб қўймайсан,
Дегандек: отажон, қулоғингни бер!
Бахтинг тимсолини тинмай сўрайсан,
Сўрайсан, боқийми, абадийми ер?

Мен жавоб излайман саволларингга,
Мен сенинг тақдиринг ўйлайман кўпроқ.
Дунёнинг абадий тинч бўлур дейман,
Ва ўзим ташвишга тушаман бироқ.

Аммо сен қўрқмагин, ахир мен борман,
Юртинг бор, кўзингдан оқизмагай ёш.
Юлдузлар ҳеч қачон тўкилиб кетмас,
Ҳеч қачон узилиб тушмайди қуёш!

Амирқул ПУЛКАН.



Ўзбек Давлат филармониясининг «Ҳайтарма» ансамблини республикамизда яхши биласиз. Ансамбль коллективи тез-тез колхоз ва совхозларда, корхона ва муассасаларда ўз маҳоратини намойиш этади.

СУРАТДА: ансамблнинг етакчи солистқаси, республикада хизмат кўрсатган артист Урие Керменчикли.

Қ. Исоқов фотоси.

● *Музей заллари бўйлаб*

Съездга бағишланади

Ўзбекистон ССР Давлат Санъат музейининг республика тасвирий санъат бўлимида КПССнинг XXVI съездига бағишланган янги экспозиция намойиш этилмоқда.

Республикамиз тасвирий санъати совет ҳокимияти йилларида катта ва сермаҳсул йўлни босиб ўтди. Илгари мавжуд бўлмаган ўнлаб жанрлар миллий анъаналар билан уйғунлашган ҳолда дунёга келди. Бугунги кунда ўлкамиз мўйқалам усталарининг асарлари Иттифоқимиз ва ундан ташқарида ҳам эътибор қозонмоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси янги экспозицияда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Таниқли санъаткорлар Л. Бурэ, Р. Зоммер, С. Юдин, Н. Каразин, С. Казаков, Т. Беньков, Ўзбекистон ССР халқ рассомлари А. Абдуллаев, Р. Аҳмедов, ҳайкалтарошлар М. Макаров, Д. Рўзибоев, Ҳ. Ҳусниддинхўжаев, ёш рассомлар Р. Чориев, Ж. Умарбеков ва бошқаларнинг кўргазмадан ўрин олган асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Ибн Сино портрети

Музейнинг республика ёш рассомлари зали йилдан-йилга янги экспонатлар билан бойиб боряпти. Куни кеча бу ерга яна бир экспонат олиб келинди. Ёш ҳайкалтарош И. Жабборовнинг Абу Али ибн Сино асари музейга қабул қилинди.

Шамотдан ишланган ҳайкалчада буюк ҳаким «Тиб қонунлари» китобини варақлаб, инсон саломатлиги ҳақида ўйга чўмган ҳолда акс эттирилган.

М. АҲМЕДОВ,
музейнинг катта илмий ходими

ШОИР НИГОҲИ

АФҒОН ШОИРИ БОРИҚ ШАФЕЪИЙГА

Шоир кўзларида бир меҳр кўрдим,
Баҳор чақинидай ёркин, нурафшон.
Дўстлар дийдорини кўрмоқлик учун,
Қуёш қурганими ё унда ошиён.

Ҳа, шоир дилида яралган офтоб,
Зиё сочар бу дам кўнгил қатидан.
Садоқат ипидан тўқилган нури,
Ҳарорати эса муҳаббатидан.
Инсон қалби биллур қадаҳ мисоли,
Ишқ денгизин унга жо этмиш шоир.
Нени этмоқ бўлса сўз билан баён,
Нигоҳларн аввал айлади зоҳир.

КОБУЛ

Бир қатра сув Амударёдан,
Иссиқ кунда бўғ бўлиб учди.
Чарх урганча етдию кўкка,
Уни аёз ва еллар қучди.
Оқшом чўкди. Қора чодирин
Тун самога ёйиб ташлади.
Гўдакларнинг бешиги узра,
Шамол алла айта бошлади.
Қатра сув ҳам уйқуга чўмди,
Ҳунарини кўрсатди аёз.
Парча музга айланди ногоҳ,
Митти томчи этаркан парвоз.

Вале тонгда чекинди совуқ,
Зиё сочди яна офтоб.
Шафақ нури эритди танин,
Қатра учди денгизга шитоб.
Бир ғунчани кўрди узоқдан
Лаб очибди кўкка маҳлиё.
Сувга ташнамикин бечора,
Сармаст булбул ошиғими ё!
Пастга томон қуйилди томчи,
Ғунча сари шошди куй чалиб.
Гул баргига қатра қўнган жой,
Машҳур бўлди Кобул аталиб.

Н. МУҲАММАД таржимаси.

ТЎРТЛИКЛАР

Меҳнат билан эл топар камол,
Меҳнатда бахт, меҳнатда иқбол.
Меҳнат билан бўлсанг қалин дўст,
Топиб обрў, кўрмассан завол.

* * *

Меҳнат — роҳат, фароғат ундан,
Бойлик, шодлик, саодат ундан.
Меҳнат билан бахтдир эгизак,
Шон ундандир, камолат ундан.

* * *

Меҳнат билан нечган он ширин,
Меҳнат билан хуш даврон ширин.
Меҳнат билан топилган неъмат —
Дастурхоннинг кўрки — нон ширин.

* * *

Ҳаётингнинг фаровонлиги,
Она юртнинг тинч, омонлиги,
Меҳнатдандир, фақат меҳнатдан,
Инсон зотин беармонлиги.

* * *

Меҳнат — сеннинг шуҳратинг, шонинг,
Меҳнат билан яшнар бўстонинг.
Меҳнат билан сен топишсанг тил,
Юзинг ёруғ, покдир виждонинг.

* * *

Одамийлик ўлчови — меҳнат,
Тириклигнинг сийлови — меҳнат.
Меҳнат сенга бахш этар қудрат,
Соғлигингнинг гарови — меҳнат.

Турсунбой МАҲМУДОВ.

УЗБЕКИСТОНДА УТАДИГАН ТОЖИКИСТОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН.

Абдужаббор ҚАҲҲОРИЙ.

Наҳотки жанг этмоқда давом?

Совуқ ўқлар парчаси ҳануз,
Вужудимга бермагай ором.
Битмагандир яралар ўрни,
Оғриқлари бўлмаган тамом.
Наҳотки жанг этмоқда давом!
Ярим тунда оталар гоҳо,
Ўқ егандай сапчир ногаҳон.
Отасининг доғида куйиб,
Ёш тўқади фарзандлар ҳамон.
Наҳотки жанг этмоқда давом!
Суронларда кетган бедарак,
Ака-ука, опаю сингил.
Бир-бирини қидирар тинмай,
Дараклайди узолмай кўнгил.
Наҳотки жанг этмоқда давом!
Фарзандининг қора хатини,
Такрор-такрор ўқир оталар:
Балки хато ёзилган мактуб,
Қайтишидан бордир бир хабар.
Наҳотки жанг этмоқда давом!
Йиллар бўйи бўлиб китизор,
Фироқида ўртаниб юрак,
Ер йўлига кўз тутиб муштоқ,
Оқартирди сочин келинчак.
Наҳотки жанг этмоқда давом!
Фарзанд доғи куйдирган она,
Гоҳ кимгадир тикилиб қолар.
Ухшар экан, ўғлимга дея,
Сўнг меҳр-ла оғушга олар.
Наҳотки жанг этмоқда давом!
Жанг қоплаган мина остидан,
Қад кўтарган лолазор гўзал.
Гул сайрига чиқар болалар,
Аммо уйга қайтмас ҳеч маҳал.
Наҳотки жанг этмоқда давом!
Шаҳидларнинг қабрида мангу,
Шуъла сочиб туради олов.
Ўтли қалблар алангаси у,
Орзуларни айлаган ялов.
Наҳотки жанг этмоқда давом!
Ҳа, тинмаган қали жанг тамом,
Хотинлада, юракда яшар,
Асабларда қолдирган асар,
Ҳа, тинмаган қали жанг тамом.

ТЕАТР «КЕНЖА ҚИЗ»

Пойтахт қўғирчоқ театрининг кўркам янги биноси. Кенг ва қулай залда эркатойлар спектакль бошланишини сабрсизлик билан кутиб ўтиришибди. Мана, залнинг икки ён деворига ўрнатилган ҳайкалчалар ҳаракатга келди. Улар қадимий одат бўйича карнай-сурнай чалиб, «эркатойлар, хозир қўйиладиган томошани эътибор билан кўринглар», деяётгандай. Дарҳақиқат, аланг-жаланг бўлиб, ўзаро гаплашиб ўтирган кичкинтойлар ёқимли куйни эшитиб жим бўлишди. Ҳамма канотлари камалак рангида товланиб турган товус сурати ишланган чиройли пардага тикилди. «Кенжа қиз» номли спектакль бошланди.

Саҳнада соч-соқоли оқариб кетган нуроний бир чол ўзала тушиб ётибди. Бу қўғирчоқни артист Д. Солиев моҳирлик билан ўйнатади. Чолнинг беморлар каби оғзини зўрға қимирлатиши, узоқ ётган хасталар каби оғир нафас олиши, вақтивақти билан соқолини тутамлаб, пешонасини ушлаб қўйиши, инграшлари жуда жонли чиқкан. Аёларойи ҳаётийлигидан томошабин кўрсатган артист Т. Маҳрамов бошқаради. Табиб катта китобни варақлаб турибди, ҳаста фақат малҳами аслдан шифо топиши мумкинлигини айтади. Лекин дорини топиш мушкул, дейди. Артист Т. Маҳрамовнинг табиби вазминлик билан гапиради, ўз ишини биладиган ҳақиқий табиблигига томошабинни ишонтира олади.

Тўнғич — Тилла қиз ҳеч ким билан маслаҳатлашмай-нетмай ота соғлигини тиклаш учун малҳами аслни қандай қилиб бўлмасин топиб келажагини айтади. Бу қўғирчоқни Ш. Раҳимова ўйнатади; Тилла қизнинг овози жуда қўпол. Бундай бўлиши айни муддао: Ш. Ралигидан зириллашади... Шер билан тўқнашганида эса, ўта кетган қўрқоқлигини намойиш этади. Уйига келиб, мақтанчоқлиги тутиб кетиб, ёлғонни роса дўндиради; ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатгиси келади.

Тилла қиз ўзи шундай ҳам салбий образ. Актриса унинг нуқсонларини керагидан ортиқ бўрттириб ўйнатади. Шу сабабли ҳатто ансамблдан ҳам пича ажралиб турибди. Меъёр сақланганда кўнгилдагидай чиқарди.

Ундан кейин ўртанча — Асал қиз дори қидириб кетади. Бу қўғирчоқни артист Ш. Ғуломова ўйнатади. Асал қиз образи анча қол кўзга ташланади. Асал қиз анча мураккаб образ. Бироқ, Ниҳол билан тўқнашганида у жуда оддийлашиб, дангаса сифатида танилиб қолади. Асал қиз асли айёр, ҳийлагар. Ниҳолга тилёғламалик билан жавоб беради. қўйнини пуч ёнғоққа тўлатганида айни муддао бўларди. Чунки образ йўналиши шуни тақозо этади.

Кенжа қиз ҳам опалари борган жойларга боради. Улар учраган тўсиқларга дуч келади. У ўзининг донолиги, меҳрибонлиги, дилкашлиги, камтаринлиги, меҳнатсеварлиги билан ҳамма ғовларни енгади, ниятига етади. Бу қўғирчоқни артист Ш. Зуҳурова бошқаради. Унинг Кенжа қизи одобли, ҳаёли, хушмуомала. Ишларини режа билан амалга оширади. Автор томонидан тўқиб яратилгани учун бўлса керак, режиссёр ҳам бу образга аниқ йўналиш бера олган. Бироқ Кенжа қиз сўзларини далилроқ гапирганда, ҳаракатчан ўйнатилганида образ янада ишонарлироқ, жонлироқ чиқарди.

Артист Ш. Ғуломова Кучукчани, Т. Маҳрамов табиб ва Аждарни, Т. Раҳмонбердиев Шерни, Г. Фатхуллина Қўённи ниҳоятда жонли, ишонарли қилиб яратишган. Девларнинг қиёфалари рассом томонидан яхши ишланган. Бироқ жанг жараёни ифодали чиқмаган.

Композитор К. Кенжаев асар қаҳрамонлари ҳолатига монанд куй яратган. Бу яхши. Лекин у ўзимизнинг ажойиб миллий куйларимизга яқинроқ бўлганида воқеа янада таъсирлироқ чиқарди.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим артистлар сўзларни нотўғри талаффуз этишади. «Асал» ўрнига «ассал», «Кучугим» ўрнига «Кучугим» дейилади. Тилда учраётган қусурларнинг ҳаммасини айтиб тугатиш қийин. Бу масала устида жиддий ўйланмаса бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, театрда томошабинга эстетик завқ берадиган, чуқур тарбиявий аҳамиятга эга бўлган оригинал асар саҳналаштирилган. Спектакль кичкинтойларни меҳнатсевар, камтарин, ҳушмуомала бўлишга ундайди; мақтанчоқлик, ёлғончилик, маккорлик каби иллатларга нафрат уйғотади. Воқеа жуда оддий, равон. Кичкинтойлар ҳаяжон билан томоша қилишади. Бу аввало драматург Муҳсин Кодировнинг, қаламверса, постановкачи режиссёр Исо Ёқубовнинг ва бутун театр коллективининг ютуғидир. Юқорида кўрсатилган баъзи жузъий камчиликлар эса йўл-йўлакай бартараф этилади, деб ўйлаймиз.

М. ФАЙЗИРАҲМОНОВА,
Ҳамза номидаги санъатшунослик институти илмий ходими.

● ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Магнит майдони фильтрлайди

Ровно шаҳридаги Украина сув хўжалиги инженерлари институтининг бир группа мутахассислари яратган электро магнит фильтрларнинг «маҳсулоти» тоза сувдан иборатдир.

Бир-бири билан трубалар орқали боғланган пўлат цилиндрлардан иборат қурилма мактаб дарсликларидаги атом моделига ўхшаб кетади. Цилиндрларнинг ҳар бири (уларнинг сони фильтрнинг қувватига боғлиқ) металлга ишлов беришнинг майдаланган чиқитлари билан тўлдирилган. Кучли магнит оқими ана шу чиқит бўйлаб айланади. Магнитланган зарралар темирли аралашмаларни ўзига тортади ва шу билан фильтрланувчи суюқликни тозалайди. Чўкиндини ажратиб олиш учун электр кучланишини узиш кифоя.

Бундай установка бир соатда бир ярим минг куб метргача техникавий сувни тозалай олади. Бунда 90 процентга яқин аввалги конструкциялардаги фильтрларга нисбатан анча кўп зарарли аралашма ушланиб қолади.

Янгилик атом энергетика, иссиқлик энергетикаси қора металлургия корхоналарида жуда қўл келди. Бу корхоналарда темир чўкиндилари кўп ноқулайликлар келтириб чиқарарди. Бу қурилмаларни қўллаш тузуккина иқтисодий самара беради.

Ҳам генетикларга, ҳам технологларга

Янги прибор ўсимликнинг яшаш қобилиятини тез анализ қилиб бериши учун атиги бир минут керак бўлади. Тадқиқ этилувчи намуна — мева дарахтининг новдаси ёки бошқа ҳимова уни ўта шадид, шартаки, ўжар, мақтанчоқ қилиб тасвирлайди. Бераҳмликда ҳеч ким унинг олдига тушолмайди. Муомаланн биямайди, ҳаммага кўрслик қилади. Асар қаҳрамонлари Ниҳол, Қўён, Аждар, айниқса, Шер билан учрашганда яққол кўзга ташланади.

Шер билан тўқнашганида эса, ўта кетган қўрқоқлигини намойиш этади. Уйига келиб, мақтанчоқлиги тутиб кетиб, ёлғонни роса дўндиради; ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатгиси келади.

Тилла қиз ўзи шундай ҳам салбий образ. Актриса унинг нуқсонларини керагидан ортиқ бўрттириб ўйнатади. Шу сабабли ҳатто ансамблдан ҳам пича ажралиб турибди. Меъёр сақланганда кўнгилдагидай чиқарди.

Ундан кейин ўртанча — Асал қиз дори қидириб кетади. Бу қўғирчоқни артист Ш. Ғуломова ўйнатади. Асал қиз образи анча мураккаб образ. Бироқ, Ниҳол билан тўқнашганида у жуда оддийлашиб, дангаса сифатида танилиб қолади. Асал қиз асли айёр, ҳийлагар. Ниҳолга тилёғламалик билан жавоб беради. қўйнини пуч ёнғоққа тўлатганида айни муддао бўларди. Чунки образ йўналиши шуни тақозо этади.

Кенжа қиз ҳам опалари борган жойларга боради. Улар учраган тўсиқларга дуч келади. У ўзининг донолиги, меҳрибонлиги, дилкашлиги, камтаринлиги, меҳнатсеварлиги билан ҳамма ғовларни енгади, ниятига етади. Бу қўғирчоқни артист Ш. Зуҳурова бошқаради. Унинг Кенжа қизи одобли, ҳаёли, хушмуомала. Ишларини режа билан амалга оширади. Автор томонидан тўқиб яратилгани учун бўлса керак, режиссёр ҳам бу образга аниқ йўналиш бера олган. Бироқ Кенжа қиз сўзларини далилроқ гапирганда, ҳаракатчан ўйнатилганида образ янада ишонарлироқ, жонлироқ чиқарди.

Артист Ш. Ғуломова Кучукчани, Т. Маҳрамов табиб ва Аждарни, Т. Раҳмонбердиев Шерни, Г. Фатхуллина Қўённи ниҳоятда жонли, ишонарли қилиб яратишган. Девларнинг қиёфалари рассом томонидан яхши ишланган. Бироқ жанг жараёни ифодали чиқмаган.

Композитор К. Кенжаев асар қаҳрамонлари ҳолатига монанд куй яратган. Бу яхши. Лекин у ўзимизнинг ажойиб миллий куйларимизга яқинроқ бўлганида воқеа янада таъсирлироқ чиқарди.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим артистлар сўзларни нотўғри талаффуз этишади. «Асал» ўрнига «ассал», «Кучугим» ўрнига «Кучугим» дейилади. Тилда учраётган қусурларнинг ҳаммасини айтиб тугатиш қийин. Бу масала устида жиддий ўйланмаса бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, театрда томошабинга эстетик завқ берадиган, чуқур тарбиявий аҳамиятга эга бўлган оригинал асар саҳналаштирилган. Спектакль кичкинтойларни меҳнатсевар, камтарин, ҳушмуомала бўлишга ундайди; мақтанчоқлик, ёлғончилик, маккорлик каби иллатларга нафрат уйғотади. Воқеа жуда оддий, равон. Кичкинтойлар ҳаяжон билан томоша қилишади. Бу аввало драматург Муҳсин Кодировнинг, қаламверса, постановкачи режиссёр Исо Ёқубовнинг ва бутун театр коллективининг ютуғидир. Юқорида кўрсатилган баъзи жузъий камчиликлар эса йўл-йўлакай бартараф этилади, деб ўйлаймиз.

М. ФАЙЗИРАҲМОНОВА,
Ҳамза номидаги санъатшунослик институти илмий ходими.

3 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

2 МАРТ, 1981 й.



ФУТБОЛ

ЭРТАГА СТАРТ БЕРИЛАДИ

Эртага Тошкент ва Тошкент областидаги энг яхши спорт базаларида футбол бўйича анъанавий XI халқаро ўсмирлар турнирига старт берилади.

Тошкентга баҳор билан бирга ишқибозларнинг энг севимли спорт тури ҳисобланган футбол ҳам келди. Одатда ўсмирлар турнири ҳамиша муросасиз равишда давом этиб, қизиқарли воқеаларга бой бўлади. Кейинги пайтда бутун жаҳонда ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган футбол турнири ва ўсмирларнинг уйинларига бўлган қизиқиш анча ошди. Энг севимли ҳисобланган футболни тобора оммалашиб бориши ўсмирларни тактик ва техник маҳоратларини ошириш, маънавий жиҳатдан пухта тайёргарликка эга бўлишни талаб қилмоқда. Ёш футболчилар кейинчалик терма командалар сафидан жой олишяпти. Шунинг учун ҳам улар иштирок этаётган турнирларни мухлислар ҳамиша зўр қаяжон билан томоша қиладилар. Кейинги пайтда халқаро ўсмирлар турнирини ўтказиш одат бўлиб қолганлигининг сабаби ҳам шунда. Бу турнирларнинг орасида Тошкент турнири энг қизиқарли ва обрўли ҳисобланади.

Бунинг боиси бор, албатта. Тошкентда турнирни ўтказиш бўйича етарли тажриба тўпланган. Ҳамиша чет мамлакатлардан келган спортчи дўстларимиз ва мамлакатимиздаги ёш футболчилар республикамиз пойтахтидан жўнаб кетишар экан, турнир ташкилотчиларининг номига жуда кўп ташаккур сўзларини айтишади. Бу ердаги шароит ҳам, тайёрланган таомлар ҳам, футбол майдонларининг ҳолати ҳам, Тошкентдаги ёшлар билан ўтказилган учрашувлар ҳам, ўзбек халқига хос бўлган меҳмондўстлик ҳам уларнинг қалбини севинч ҳислари билан тўлдиради.

Ишонч билан айтиш мумкинки, навбатдаги турнир ҳам юксак савияда ўтади. Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов раислигида булиб утган турнир ташкилий комитетининг йиғилишида учрашувларни утказиш учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилганлиги таъкидлаб ўтилди. Қисқа вақтда жуда кўп ишлар амалга оширилди. Ҳозир ишонч билан Тошкент меҳмонларни қутиб олишга ҳар жиҳатдан тайёр деб, айтиш мумкин.

— Футбол бўйича анъанавий XI Халқаро ўсмирлар турнирида, —дейди Ўзбекистон Спорт комитети футбол бўлимининг бошлиғи Э. Парсегов,—Венгрия, Польша, Чехословакия, ГДР, Афғонистон, СССРнинг биринчи ва иккинчи, Украина ва Ўзбекистон командалари иштирок этишади. Уйинлар шаҳримиздаги ва Тошкент областидаги энг яхши — «Пахтакор», «Текстильщик», «Трактростроитель», «Қибрай», Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» стадионларида ўтказилади.

— Тошкент комсомоли,— дейди шаҳар комсомол комитетининг секретари А. Аваков, —анъанавий турнирда иштирок этаётган командаларга ғамхурлик кўрсатиш бўйича катта тажриба туплаган. Бу сафар ҳам олдиндан қайси комсомол ташкилотлари ёш футболчиларга ғамхўрлик кўрсатиши лозимлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, маданий программа ҳам белгиланган. Дам олиш кунларида чет эл мамлакатларидан келган ва совет спортчилари шаҳар комсомоллари ва ёшлари билан учрашишади.

Шундай қилиб, эртага турнирга старт берилади. Оқ йўл, турнир!

В. СТУЛИН.

ФУТБОЛ БЎЙИЧА XI ХАЛҚАРО ЎСМИРЛАР ТУРНИРИНИНГ УЙИНЛАР КАЛЕНДАРИ 1981 йил

3 МАРТ

«Тракторостроитель» стадиони
Финляндия—Украина ССР 11.00
«Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» стадиони
ВХР—ГДР 10.30
«Қибрай» стадиони
ЧССР—Ўзбекистон ССР 11.00
«Пахтакор» стадиони
СССР-I — ПХР 16.00

4 МАРТ

«Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» стадиони
СССР-I — Афғонистон 16.00
«Текстильщик» стадиони
ПХР — Украина ССР 16.00
«Тракторостроитель» стадиони
СССР-II — Ўзбекистон ССР 16.00
«Қибрай» стадиони
ГДР — ЧССР 16.00

6 МАРТ

«Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» стадиони
Афғонистон — Укрина ССР 16.00
«Тракторостроитель» стадиони
Финляндия — ПХР 16.00
«Текстильщик» стадиони
СССР-II — ЧССР 16.00
«Қибрай» стадиони
ВХР—Ўзбекистон ССР 16.00

7 МАРТ

«Қибрай» стадиони
СССР-I — Украина ССР 16.00
«Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» стадиони
Финляндия — Афғонистон 16.00
«Тракторостроитель» стадиони
ГДР — Ўзбекистон ССР 16.00
«Текстильщик» стадиони
СССР-II — ВХР 16.00

9 МАРТ

«Тракторостроитель» стадиони
СССР-I — Финляндия 16.00
«Текстильщик» стадиони
ПХР— Афғонистон 16.00
«Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» стадиони
ЧССР — ВХР 16.00

11 МАРТ

«Пахтакор» стадиони
I—II ўринлар учун 15.00
«Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» стадиони
III—IV ўринлар учун 10.00
«Трактростроитель» стадиони
V—VI ўринлар учун 10.00
«Қибрай» стадиони
III—IV ўринлар учун 10.00
«Текстильщик» стадиони
IX—X ўринлар учун 10.00

5, 8, 10 март — дам олиш кунлари.

Турнирнинг тантанали очилиш маросими 3 март куни «Пахтакор» Марказий стадионида соат 15.30 да бўлади.

Турнирнинг ёпилиши ва голибларни мукофотлаш маросими 11 март куни соат 17.00 да «Пахтакор» Марказий стадионида бўлади.



● *Хоккей*

ОЛТИЛИКДА ҚОЛИШ УЧУН

Маълумки, «Бинокор» Ижевск шаҳрида маҳаллий «Ижсталь» командаси билан бўлган учрашувларни йирик ҳисобда бой бериб, ўз мавқеини анча сусайтириб қўйган эди. Ҳамшаҳарларимиз кучли олтиликдан жой олиш ниятида навбатдаги учрашувларни ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтказишмоқда. Сўнгги турда улар «Юбилейний» спорт саройида Новосибирск шаҳрининг Армия спорт клуби коллективи билан куч синашдилар. Дастлабки учрашувда «Бинокор» 8:3 ҳисобида ғалаба қозонди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3, 4 МАРТ СОАТ 19.00 ДА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Олмахон ҲАЙИТОВА
ИШТИРОКИДА

КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Холисхон ҚОДИРОВА, Мўътабар ЮЛДОШЕВА.

Солистлар: Нуржаҳон САТТОРОВА, Отамурод ҲОЖИЕВ, Нодира АҲМЕДОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Роза КАРИМОВА, Муҳаббат ҚУБАНОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани —Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулом ТОЖИАЪЛОЕВ **ва** Мавжуда ХОЛДОРОВА **олиб борадилар.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА
2 МАРТДА

«ОРАДАН ЙИГИРМА ЙИЛ ЎТГАЧ»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ

ЧИҚАРДИ



Сценарий муаллифи—Аркадий ИНИН.
Постановкачи-режиссёр—Юрий ЕГОРОВ.

Бош ролларни—Наталья ГУНДАРЕВА ва Виктор ПРОСКУРИН ижро этадилар.

«Орадан йигирма йил ўтгач» янги фильми биринчи галда қаҳрамон онанинг машаққатли, лекин бахтли қисмати ҳақидаги таъсирчан эртакга ўхшайди. Бу эртакдан шундай хулоса чиқариш мумкин— ота-оналарда қанча болалар кўп бўлса, оилада шунчалик бахт кўп бўлади.

...Картина қаҳрамони Надянинг эски Арбатдаги ўрта мактабни тугатганига ҳам йигирма йил бўлди. Шу муносабат билан синфдошлар телекўрсатувга йиғилишади. Собиқ синфдошларнинг ҳар бири ҳаётда ўз йўлини топиб кетган. Кимдир академик, кимдир архитектор, кимдир қаҳрамонлик кўрсатган... Синфком, аълочи қиз эса, ўртоқларига ўз ҳаётидан нимани ҳам ҳикоя қиларди?!

Набат Надяга келганда у ўз ҳаётини, ўзи босиб ўтган йўлни икки оғиз—«Мен онаман» деган сўз билан изҳор этади...



М. Горький номли болалар ва ўсмирлар фильмлари марказий студияси маҳсулоти.



ГУЛДОР РЎМОЛ ЖОЗИБАСИ

Дуррача аёлларга ҳамиша зеболик бахш этган. У ҳозирда ҳам байрам ва оддий иш кунида жозиба бахш этувчи безак ҳисобланади. Айниқса замонавий костюмлар ансамблида ва хотин-қизларнинг миллий кийимларида ажралмас қисм ҳисобланади.

ЖОЗИБАДОР РУМОЛ БАҲОР БАЙРАМИДА ОНАЛАР, КЕЛИНЛАР, ОПА-СИНГИЛЛАРГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН МУНОСИБ СОВҒАДИР.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг «ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ 2-МАГАЗИНДАН

РАНГИ ЁРҚИН, ШУҲЧАНГ ГУЛЛИ, МИЛЛИЙ НАҚШЛАР БИЛАН БЕЗАТИЛГАН РЎМОЛЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

МАГАЗИНДА 5 МАРТГАЧА ТОШКЕНТ «УЧҚУН» ТЎҚИМАЧИЛИК-ГАЛАНТЕРЕЯ БИРЛАШМАСИ РЎМОЛЛАРИНИНГ

Савдо-кўргазмаси ўтказилади

Корхонанинг рассомлари Сиз муҳтарам хотин-қизлар учун турли рангда ва гули ҳархил жозибали рўмолларнинг талай намуналарини тайёрлашди.

Крепдешин, штапель, жун ва сунъий шойидан бичилган бу рўмоллар энг яхши бадиий дид билан тайёрланган.

21-магазин адреси: Охунбобоев номли майдон (8-троллейбус, 28-автобус, 7, 8, 11, 16-трамвайларнинг «Чорсу» бекатлари).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ.

КИНО

2 МАРТДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХАВФЛИ РЕЙС», «ЎТГАН КУНЛАР КОМЕДИЯСИ» — **Чайка** 17, 20.00, телефон 77-06-20).

«ОРАДАН 20 ЙИЛ ЎТГАЧ» — **Қозоғистон** (19, 21.00, телефон 35-24-92), **Восток** (18, 20, 21.30, телефон 91-14-61), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Қозоғистон** (17, 20.00, телефон 35-24-92), **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 20.00, телефон 44-39-51).

«ХАВФЛИ РЕЙС» — **Дружба** (жуфт соатларда).

«ОҚШОМ ЛАБИРИНТИ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«КАВКАЗ АСИРАСИ» — **Восток** (тоқ соатларда), **Фестиваль** (тоқ соатларда, телефон 32-78-04).

«ЎТА МУҲИМ ТОПШИРИҚ» — **Мир** (17, 20.00).

«ЎЗГА ИЛОЖ ИЎҚ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00, телефон 48-42-80).

«ГРАЖДАНИН ЛЕШКА», «БОШЛИҚ БЎЛГАНИМДА ЭДИ» — **Санъат саройи** (17, 20.00, катта зал).

3 МАРТ
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ДЕЛЕГАТ АЁЛ» — **Восток.**

«ЛЯДА» — **Фестиваль.**

«МАВЛУДА» — **Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХАВФЛИ РЕЙС», «ЎТГАН КУНЛАР КОМЕДИЯСИ» — **Чайка** 17, 20.00, телефон 77-06-20) .

«ОРАДАН 20 ЙИЛ ЎТГАЧ» — **Қозоғистон** (19, 21.00, телефон 35-24-92), **Восток** (10.30, 13, 14, 16, 18, 20, 21.30, телефон 91-14-61), **Ҳамза ном.ли** (жуфт соатларда) **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Қозоғистон** (16, 17, 20.00, телефон 35-24-92), **Санъат саройи** (кичик зал 11, 14, 17, 20.00, телефон 44-39-51).

«ХАВФЛИ РЕЙС» — **Дружба** (жуфт соатларда).

«ОҚШОМ ЛАБИРИНТИ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«КАВКАЗ АСИРАСИ» — **Восток** (тоқ соатларда), **Фестиваль** (тоқ соатларда, телефон 32-78-04).

«ЎТА МУҲИМ ТОПШИРИҚ» — **Мир** (11, 14, 17, 20.00).

«ЎЗГА ИЛОЖ ИЎҚ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 48-42-80).

ЯНГИ МАГАЗИН ЧОРЛАЙДИ

Яқинда пойтахтимизнинг Куйбишев райони аҳолиси муносиб совға олди. Белаюжко кўчасидаги 24-кўп қаватли бинода

ЯНГИ 2-ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНИ ОЧИЛДИ

Бу ерда ҳамма нарса замонавий савдонинг асосий вазифаларига: харидорларнинг вақтини тежаш, молларни танлаб олишда кўпгина қулайлик яратишга қаратилган. Магазиннинг кўпгина бўлимлари ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишламоқда.

250 квадрат метрдан иборат қулай жойлашган савдо залларида бақоллик, кондитерлик, сут, «Ҳаммаси уй бекалари» учун бўлимлари жойлашган.

Бақоллик бўлимида ҳамиша савдода: қанд, крупа, макарон маҳсулотлари, «Золотой ярлик» какаоси, кофе ичимлиги, чой, шарбатлар, совуқ ичимликлар, пахта ёғи бор.

Балиқ консервалари: томат қайлали килька, балиқчи нонуштаси, турист нонуштаси, томат қайлали қийма, томат қайлали ласос ва бошқалар.

Кондитерлик бўлимидан сиз конфетлар, карамел, «Сказка», «Пахта», «Южанка» тортлари, пряниклар, печеньелар сотиб олишингиз мумкин.

Сут бўлимида ҳар куни: сут, сметана, қаймоқ, кефир, творог: сарёғ, маргарин, ҳар хил ёғлар, гречиха уни аралаштирилган «Малиш» сут қоришмаси сотилади.

Магазинга кирганингизда «Ҳаммаси уй бекалари учун» бурчагига кириб ўтинг. Бу ерда рўзғорга керак бўладиган зарур буюмлар қўйилган: гўшт қиймалагич, стаканлар, металл лаганлар, газ сув учун сифонлар, ҳаводаги қурумни ютадиган электр мослама.

Уй бекаларининг вақтини тежаш мақсадида бу ерда шиша идишларни қабул қилиш пункти ҳам жойлашган.

Магазин ходимлари яна бир қўшимча хизмат ҳақида ғамхўрлик қилишган. Кўркамгина қурилган кафетерийда сизга қайноқ кофе, сосиска, бутербродлар, шарбатлар, сутли коктейль, пирожнийлар таклиф қилишади.

Магазиннинг иш соатлари 8.00 дан 20.00 гача, танаффус 13.00 дан 14.00 гача.

Магазин дам олиш кунисиз ишлайди.

Магазинга 13-трамвайда бориш мумкин («Крупская номли санаторий» бекати).

МАГАЗИНИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!
КУИБИШЕВ райпишчеторги.



«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

2 МАРТ—ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Ленин номи мангу барҳаёт». Шеърий композиция. 18.30 «Халқ оҳанглари». 18.45 «Телестадион». 19.15 «БЕШ ЙИЛЛИК ВА КОЛЛЕКТИВ». Кўрсатувда КПСС XXVI съездининг делегати, Пензадаги Фрунзе номли завод ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригада бошлиғи В. В. Ивентьев ва КПСС Пенза область комитетининг биринчи секретари Ф. М. Куликов иштирок этади. 19.45 «Болалар рақсга тушади». 20.00 КПСС XXVI СЪЕЗДИ КУНДАЛИГИ. 20.30 ОСТАНКИНО КОНЦЕРТ СТУДИЯСИДА КПСС XXVI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ УЧУН КЕЧА. 21.30 «Время». 22.15 ОСТАНКИНО КОНЦЕРТ СТУДИЯСИДАГИ КЕЧАНИНГ ДАВОМИ. Танаффус пайтида— «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Рига). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.05)—«Тунинг гиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 Москва. КПСС XXVI СЪЕЗДИДА. 18.00 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 18.30 «Дўстлар». Кўғирчоқ фильм. 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 19.15 «Ёр саховати». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 19.30 «АХБОРОТ» (рус.). 19.45 «Комплекс механизация— пахтачиликда бош йўналиш». 20.00 Москва. КПСС XXVI СЪЕЗДИ КУНДАЛИГИ. 20.30 «АХБОРОТ». 20.50 Ўзбек классик қўшиқлари. 21.30 Москва. «ВРЕМЯ». 22.15 «Салом, бу мен». Бадиий фильм. 1-қисм. 23.35 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Қалдирғочнинг думи нега айри». 18.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси фортепьяно факультети студентларининг ҳисобот концерти. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Уқитувчи экрани» (рус.). 20.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

3 МАРТ—СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «ВРЕМЯ». 10.05 «Езги мамлакатдироқлар даври». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серийлар. 12.10 Янгиликлар. 14.10 «Рус жилолари». «Берёзка» Давлат академик хореографик ансамбли иштирокида фильм-концерт. 15.00 КПСС XXVI СЪЕЗДИДА. 17.30 Р. Щедрин. «ЛЕНИН ҲАЛҚНИНГ ЮРАГИДА». Солистлар, аралаш хор ва оркестр иштироки учун оратория.

17.55 «Адабий ўқиш». М. Горький. «Лочин қўшиғи», «Бўрон қуши ҳақида қўшиқ». 18.20 П. И. Чайковский асарларидан концерт. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Жаҳон халқларининг ижоди». 20.10 А. С. Пушкин номли Ленинград Давлат академик драма театри Л. Леоновнинг «Рус ўрмони» асари асосида саҳналаштирган фильм-спектаклининг премьераси. 21.30 «ВРЕМЯ». 22.30 Фильм-спектаклнинг давоми. 23.40 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

22.00 «Соликамск альбоми». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати: 1. «Сокол» (Киев) — МАСК. 2- ва 3-даврлар. Киевдан олиб кўрсатилади. 2. «Трактор» (Челябинск) —«Крилья Советов». 3-давр. Челябинскдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) —«Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси .11.30 Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романида халқчиллик». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Яшнаётган Буржак». Телефильм. 12.30 «Зулфия — гўзал ҳаётимиз куйчиси». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 14.05 Кўрсатувлар программаси 15.00 Москва. КПСС XXVI СЪЕЗДИДА. 16.50 Футбол бўйича XI Халқаро ўсмирлар турнири. СССР-I—Польша. 2-тайм. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.

17.40 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». Болалар бадиий коллективларининг концерти. 18.40 «Миллионлар ленинча университети». «КПССнинг ривожланган социализм шароитидаги иқтисодий сиёсати». 19.00 «Шаҳрисабз». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 19.15 «Чорвачилик —зардоб фронт». 19.30 «АХБОРОТ». (рус.). 19.45 «Коммунистлар» Адабий композиция. 20.30 «АХБОРОТ». 20.50 Т. Жалилов номли Давлат халқ чолғу оркестри иштирокида СССР халқларининг куйлари. 21.20 КПСС XXVI СЪЕЗДИНИНГ ДЕЛЕГАТЛАРИ СЎЗЛАЙДИЛАР. 21.30 Москва. «ВРЕМЯ». 22.30 «Салом, бу мен». Бадиий фильм. 2-қисм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 «Меннинг оқ уйимга марҳамат», «Вильма», «Совет аёллари» туркумидан телефильмлар (рус.). 19.20 Эстетика асослари. «Санъат турлари. Кино». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Гражданлик ҳуқуқи». 20.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат— 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ— 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; наширёт диспетчери 32-78-94; наширёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

2 МАРТ, 1981 й. Р—00205 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. В—2065. 9